

7-10-2019

GLOBALIZATION OF ECOLOGICAL PROBLEMS AND FACTORS OF FORMATION OF MERITS OF ECOLOGICAL TOLERANCE IN A PERSON'S CONSCIOUSNESS

Shakhlo Baxtiyarovna Samanova

Urgench branch of the Tashkent medical academy She is a teacher of social sciences

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Samanova, Shakhlo Baxtiyarovna (2019) "GLOBALIZATION OF ECOLOGICAL PROBLEMS AND FACTORS OF FORMATION OF MERITS OF ECOLOGICAL TOLERANCE IN A PERSON'S CONSCIOUSNESS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 21.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/21>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

GLOBALIZATION OF ECOLOGICAL PROBLEMS AND FACTORS OF FORMATION OF MERITS OF ECOLOGICAL TOLERANCE IN A PERSON'S CONSCIOUSNESS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА ШАХС ОНГИДА ЭКОЛОГИК ТОЛЕРАНТЛИК ФАЗИЛАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Саманова Шахло Бахтияровна
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филилали
Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада шахс онгида экологик толерантлик фазилатини шакллантириш ва уни “моддийлаштириш”, бир томондан, умуминсоний характерга эга универсал ижтимоий муаммо ҳисобланиши ҳамда иккинчи томондан, муайян индивид, шахс, ижтимоий бирлик ва миллатларнинг экологик эҳтиёжлари, мақсадлари, манфаатлари, маънавий-маданий ривожланиш даражалари индивидуаллиги, уларга дифференциаллашган ёндашувни тақозо қилиши ҳақида фикр юрилади.

Калит сўзлар: шахс, ижтимоий бирлик, экологик эҳтиёж, манфаат, глобал, экологик, хавфсизлик, таълим-тарбия, биометрик идентификация, коммуникация, толерантлик.

GLOBALIZATION OF ECOLOGICAL PROBLEMS AND FACTORS OF FORMATION OF MERITS OF ECOLOGICAL TOLERANCE IN A PERSON'S CONSCIOUSNESS

Samanova Shakhlo Baxtiyarovna
Urgench branch of the Tashkent medical academy
She is a teacher of social sciences

Abstract: In this article, the formation of ecological tolerance in human consciousness and its “materialization”, on the one hand, are universal social problems of a universal nature, and on the other hand, ecological needs, goals, interests, spiritual and cultural development of a particular individual, their individuality requires a differentiated approach to by him.

Key words: Individual, Social Unity, Ecological Need, Interest, Global, Ecological, Security, Education-Upbringing, Biometric Identity, Communication, Tolerance.

ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ И ФАКТОРОВ ФОРМИРОВАНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ У ЧЕЛОВЕКА

Саманова Шахло Бахтияровна
Урганчский филиал Ташкентской Медицинской
академии преподаватель гуманитарных наук

Аннотация: В этой статье формирование экологической толерантности в сознании человека и ее «материализация», с одной стороны, являются универсальными социальными проблемами универсального характера, а с другой – экологи-ческими

потребностями, целями, интересами, духовным и культурным развитием определенного индивида, их индивидуальность требует дифференцированного подхода к ним.

Ключевые слова: *Индивидуальный, Социальное единство, Экологическая потребность, Интерес, Глобальный, Экологический, Безопасность, Образова-тельно-воспитательное, Биометрическая идентичность, Коммуникация, Толерантность*

Ҳозирги даврда экологик муаммолар глобаллашуви, халқаро: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларнинг янги экологик маънавий-ахлоқий қадрият парадигмаларини шакллантирди ва қонуниятларини, тамойилларини намоён қилмоқда. Хусусан, дунё давлатларининг ўз ҳудудларида амалга оширган ижтимоий-иқтисодий фаолияти туфайли: трансчегаравий табиатга зарар етказмаслик – халқаро экологик гуманизм тамойили; бошқа давлат табиатига етказилган зарар учун давлатларнинг жавобгарлик масъулияти тамойили; табиат муҳофазасида инсон экологик эркинлиги ва давлатларнинг экологик суверенлиги тамойиллари шаклланди ва халқаро миқёсда эътироф этилган.

Бу тамойиллар умумлашган тарзда, БМТнинг 1972 йил Стогольмда ўтказилган атроф-муҳит муҳофазаси бўйича халқаро конференцияси Декларациясида: “инсон эркинлик, тенглик ва муносиб ҳаёт шароитларига эга бўлишга ҳақли ва яхши атроф-муҳитда яшашга имкон берувчи асосий ҳуқуқларга эга”[1] деб кўрсатилган.

Бу кўрсатмада, бир томондан, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда халқаро муносабатларида давлатлар экологик толерантлигини шакллантириш соҳасида асосий тадбирларни амалга ошириш долзарблиги ҳам, зарурияти ҳам, аҳамияти ҳам асосланган. Иккинчи томондан, айрим давлатларнинг ҳаёт талабларидан орқада қолаётган халқаро экологик муносабатларида экологик толерантликни шакллантиришни глобал геоекологик маданият даражасига кўтариш талаб қилинган.

Шунинг учун ҳам фалсафий адабиётларда, умуман глобал муаммолар, хусусан экологик муаммолар ечимида, шаклланган маданият – глобаллашув шароитида муқобили бўлмаган имконият, усул, восита деган хулоса устуворлигини кўрамиз. Масалан, йирик рус маданиятшуноси В.Кузнецов, том маънодаги ижобий глобаллашув маданиятини – XX аср ҳаёт нормаларини, анъаналарини, кишилар турмуш тарзини бузувчи салбий глобаллашувидан XXI асрда табиий атроф-муҳитни, кишилар ва халқлар учун маъқул ҳаётни таъминлаш тизимини яратувчи самарали глобаллашувга ўтишдир “[2.416], деб ёзишида муайян ҳақиқат мавжуд.

Дарҳақиқат, дунёда глобаллашув маданиятига мос умуминсоний экологик сиёсий муносабатларининг стратегик йўналишларини аниқлаш, вазифаларини

белгилашда толерантлик тамойилига амал қилиш – юксак маънавий маданият мезонларини, аввало, инсон онгида шакллантиришни тақозо қилади. Айниқса, жамият тарихининг ҳозирги босқичида, унинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаёти тараққиётини белгиловчи мезонлар тизимида экологик онгда толерантлик тамойили устуворлашуви – қонуният мақомига эга бўлиб боришини М.Хажиева қуйидагича ифодалаган “... онгда толерантликнинг шаклланиши, миллат шаклланиши билан боғлиқ бўлган объектив сабаб ва субъектив омилар билан боғлиқдир. Чунончи, ҳудуд, географик шарт-шароитлар, ишлаб чиқариш турлари, этник, маънавий омилар билан бир қаторда давлатлар томонидан олиб бориладиган миллий иёсатга ҳам боғлиқ бўлади. Ага кўп миллатли давлатларда айрим олинган миллатга усуворлик билан қараладиган бўлса, экологик толерантлик ўрнини зидиятлар эгаллайди ва мамлакатларда парокандаликлар юзага келади)[3.92].

Ўз навбатида, бу қонуният, истисносиз барча ижтимоий онг шакллари экологилаштириш тамойилларини, йўналишларини белгилаб, жамият аъзоларининг табиатга экологик маданий муносабатида фаолият мотиви, ҳаракатлантиувчи механизми, ифодалаш усули сифатида: шахс дунёқараши характерини, интеллектуал салоҳияти даражасини, экологик ҳаётини позициясини баҳолаш мезонига айланмоқда.

Умумлаштириб айтганда, толерантлашган экологик онг ва маданият асосида, инсонларнинг табиий атроф-муҳит муҳофазаси билан бевосита боғлиқ ижтимоий фаолияти “табиат-жамият-инсон” тизими муносабатларида, хусусан инсон ва жамиятнинг табиатга экологик толерантлигини тарбиялашда, ижтимоий онг шакллари родини комплекс-системали ўрганиш, умуман глобал муаммолар ечимида субъектив омиларнинг функционал аҳамиятини билишда назарий, методологик асослиги билан муҳим амалий аҳамиятга эга.

Шахс онгида экологик толерантлик фазилатини шакллантириш ва уни “моддийлаштириш”: бир томондан, умуминсоний характерга эга универсал ижтимоий муаммо ҳисобланади. Лекин, иккинчи томондан, муайян индивид, шахс, ижтимоий бирлик ва миллатларнинг экологик эҳтиёжлари, мақсадлари, манфаатлари, маънавий-маданий ривожланиш даражалари индивидуаллиги, уларга дифференциаллашган ёндашувни тақозо қилади.

Бошқача қилиб айтганда, экологик фаолият субъектларининг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари муқобиллиги ва индивидуаллиги, толерантлик тамойилга муносабатларида умумийликни истисно қилмайди, аксинча уларни конкретлаштиради. Энг муҳими, экологик муаммоларнинг глобал кескинлашуви олдини олиш ва оқибатларини бартараф қилишда толерантликнинг роли ҳақидаги илмий таълимотлар муқобиллиги ҳам, сиёсий ҳаракатлар

стратегиясидаги фарқлар ҳам, мутлақо шартли ва нисбий характер касб этади [4.24].

Шу қонуниятга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим тизими фаолиятида экологик толерантликни шакллантириш ва ривожлантиришда, уларнинг функциялари дифференциаллашу-ви кузатилади, яъни:

табиатшунослик фанлари: мамлакатда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастрини тузиш; йўқолиб кетиш эҳтимоли бўлган ўсимлик ва ҳайвон турларини аниқлаб, “Қизил китоби” ларини яратиш ва уларни муҳофаза қилишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш; табиатни ифлослантирувчи моддалар таркибини ва уларнинг тарқалиш ареалини аниқлаш;

техника ва технологияга оид фанлар: саноат ва маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, утилизация қилиш корхоналари тармоғини ривожлантириш; ишлаб чиқариш соҳаларини жойлаштиришнинг оптимал экологик техник-технологик мезонларини белгилаш; яқин ва келажакда экологик вазиятнинг антропоген таъсир натижасида динамик ўзгаришларини прогнозлаштириш;

ҳуқуқшунослик фанлари: экологик толерантликни шакллантириш учун зарур ҳуқуқий маконни яратиш, амманинг экологик ҳуқуқий онгини, маданиятини шакллантириш;

иқтисодий фанлар: экологик ва иқтисодий рентабелликни оширишнинг илмий асосларини яратиш; фуқароларга табиатни асраб-авайлаш, ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланишга оид иқтисодий билимларни тарғиб-ташвиқ қилиш;

оммавий ахборот воситалари: экологияга оид журналлар, газеталар, илмий ишлар тўпламлари, ахборот бюллетенлари нашр этиш; ахборот трансформациясида Интернет тармоғини ривожлантириш; экологик билимларни, илмий тадқиқот натижаларини оммалаштиришни асосий мақсадга айлантириши керак.

Экологик толерантликни шакллантиришда ижтимоий-гуманитар фанлар тизими, таълим-тарбиянинг нисбатан мустақил институти ҳисобланиб: биринчидан, педагогик-дидактик усул-воситалар, замонавий технологиялар индивидларнинг экологик ижтимоийлашувини, уларнинг зарур “экологик сифатларини” ривожлантиришни таъминлайди; иккинчидан, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот институтларининг интеграциялашган тизими – баркамол экологик шахс, комил инсон ривожланишига, уларнинг интеллектуал ўзлигини намоён қилишига хизмат қилади; учинчидан, ёшлар онгида экологик тарихий тақдир умумийлиги ҳиссини, ягона табиатга, глобал экологик жамиятга дахлдорлик ҳиссини, вавтанпарварлик туйғусини шакллантиради; тўртинчидан,

шахс интеллектуал салоҳиятини, маданий савиясини юксалтириб, жамиятда унинг ижтимоий-экологик мақомини мустаҳкамлайди; бешинчидан, ёшларнинг илмий дунёқарашини, фуқаролик экологик позициясини қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18 октябрь кунини Ислом ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида сўзлаган нутқида: «Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда: маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир»[5], деб жамият тараққиётида маънавий-маърифий омиллар аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Шарқ фалсафаси тарихида ҳар томонлама гармоник ривожланган комил инсонни баҳолаш мезонлари, нисбатан универсал маънавий-ахлоқий қадриятлари, уларни шакллантиришнинг назарий-методологик асослари, педагогик-дидактик “технологияси” яратилган. Уларни умуминсоният экологик толерантлик тамойилларига муносабати нуқтаи-назаридан баҳолайдиган бўлсак, комил инсон тушунчаси мазмуни ва моҳияти конкретлашганини кўрамиз[6.33].

Айнан шундай “инсон сифатларини” шакллантириш вазифаси эса, олий таълим тизимини экологиялаштиришни янда юқори даражасига кўтаришдан иборат бўлиб, унинг асосий шартлари, механизмлари, бизнинг назаримизда, қуйидагилардан иборат, яъни:

1) тизимда ўқитилаётган фан стандартларини, дастурларни замонавий экологик ишлаб чиқариш ва педагогик-дидактик фаолиятнинг илғор технологиялари билан интеграциялаштириш;

2) малакали мутахасслар тайёрлашнинг педагогик-дидактик технологини такомиллаштиришда тарихий шакланган миллий анъаналардан, хориж тажрибаларидан ижодий фойдаланиш;

3) олий таълим тизими профессор-ўқитувчиларининг таълим-тарбия фаолиятида: ташаббускорлигини, меҳнат интизомини, мажбурияти ва масъулиятини ошириш, мавжуд моддий-техник базасидан самарали фойдаланиш имкониятларини қидириб топиш;

4) олий таълим тизими мақомини мустаҳкамлаш учун университет, академик ва соҳа фундаментал фанларининг экологик толерантлик масаласида ўзаро мувофиқлаштириш жараёни узлуксизлигини таъминлаш;

5) ўз касбини пухта эгаллаган, меҳнат бозорида рақобатбардош, ихтисослиги бўйича жаҳон стандартлари даражасида ишлашга қодир, доимий ижтимоий мобил малакали мутахассисни тайёрлаш миссиясини давом эттирадиган ворисларни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, глобал экологик хавфсизлик муаммолари кескинлашиб кетаётган ҳозирги шароитда, таълим-тарбия тамойиллари ва илмий парадигмаларидаги ўзгаришлар: фаннинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиши – халқ хўжалигида экологик самарадор нанотехнология, ген модификацияси, ген инженерлиги ва биометрик идентификация усулларида, янги сунъий конструкцион материаллардан фойдаланиш, энергиянинг янги манбалари ўзлаштириш, коммуникация ва алоқа воситаларини амалиётга жорий қилишга доир амалий таклифлар беришдан иборат. Бунинг учун, аввало уларнинг назарий-методологик, амалий-праксиологик масалаларини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш асосида, устувор стратегик йўналишларини, вазифаларини, истиқболларини аниқлаш зарур.

Умумлаштириб айтганда: биринчидан, Ўзбекистон давлат тизими бошқаруви барча бўғинларида экология соҳасига мутасадди мансабдор шахсларнинг конституциявий-қонуний ваколатлари доирасида толерантлик масъулиятини ошириш; иккинчидан, халқимизнинг табиатни муҳофаза қилиш борасида шакланган азалий урф-одатлари, қадриятларини қайта тиклаш, ижодий ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш; учинчидан, таълим-тарбия жараёнида ўқувчи ва талаба ёшларнинг экологик толерантлигини ривожлантиришга йўналтирилган назарий билимларни, методологик маҳоратни, амалий кўникма ва малакаларни ўзлаштиришига эришиш; тўртинчидан, фуқаролар онгида экологик толерантлик маданиятини шакллантириш ва ривожланишини детерминлаштирувчи тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишнинг техник-технологик, интеллектуал базасини мустаҳкамлаш, давлат экологик сиёсати самарадорлигини таъминлайди.

References

1. ВМТнинг rasmiy sayti <http://www.un.org/ru/>
 2. Kuznetsov V. Geokultura. Osnovi geokulturnoy dinamiki bezopasnosti v mire XXI: Kultura set. M., Kniga i Biznes, 2003. –S. 416
 3. Xajieva M. Onda tolerantlik rivojlanishining negizlari.T.: “Fan va texnologiya”, 2010,–B.92
 4. Qo’ldoshev A. “Markaziy Osiyo davlatlarida ekologik munosabatlarini boshqarishning demokratik va gumanistik tamoyillari” monografiya. T.: “Fan” nashriyoti. – 2014., 24-B
 5. Mirziyoev SH.M. Tinchlik, ma’rifat va bunyodkorlik yo’lida hamkorlik. //Xalq So’zi. 2016, 19 oktyabr.
- Donishmandlar odob-axloq to’g’risida. – T.: O’qituvchi, 1986. 33-b.